



МАНАЛЛА

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 48-49 (275-276)

2001 йил 5 декабр, чоршанба

Газета 1996 йил январ ойидан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

Олий Мажлис Кўмиталари йиғилишида
маҳалла мунозараси

ТАЖРИБАЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмиталари қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилиши Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси Акмал Саидов олиб борди.

Унда «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунини Андижон вилоятида ижро этилиши билан боғлиқ ишлар ҳақида»ги масала кўрилди. Аввал хабар берганимиздек ҳар икки кўмита аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи вилоятда бўлиб, 2000-2001 йилларда Қонунни ижро этиш ва ушбу Қонуни асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши борасидаги олиб борилаётган ишларни ўрганган эди.

Андижон вилоятининг аҳолиси 2243,4 миң кишидан иборат бўлиб, улар 5 та шаҳарча, 95 та қишлоқ ва 758 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида истиқомат қилади. Жорий йилнинг май-июн ойларида вилоятдаги барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ўтказилиб, 858 та фуқаролар йиғинлари раислари, 7559 та маслаҳатчилар сайланган ва 858 та котиб тайинланган.

Ўрганиш натижалари асосида йиғилишда таъкидландики, вилоятда бу борада кўзга кўринарли даражада ижобий ишлар

қилинган. Бу ҳолатдан вилоятдаги кўпгина тажрибалари намуна этиб кўрсатиш мумкин, деган хулосага келинди. (Бу ҳақда газетамизнинг аввалги сониде ба-тафсил хикоя қилган эдик.)

Вилоят ҳокими ўринбосари Муаззам Шамсиева мазкур масала юзасидан ахборот берди. Вилоят Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Аминжон Солиев вилоятда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тажрибалари, Андижон шаҳар Султон Жўра маҳалласи оқсоқоли Сардор Шамсидинов ўз маҳалласи изланишлари ва баъзи бир муаммолар юзасидан тақлифлар айтишди.

Шундан сўнг кўмиталар аъзолари бу борадаги ахборот ва тақлиф-мулоҳазаларни муҳокама этишди. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси, Олий мажлис депутаты Шухрат Жалилов, Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Илғиз Собировлар бугунги давр йўналишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти янада фаоллашганлиги ва шу ҳолат билан боғлиқ ҳолда юзага келган муаммолар ҳақида тўхталдилар.

Шу масала бўйича қўшма йиғилиш тегишли қарор қилди.

8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни

Конституциямизнинг биз учун муқаддаслиги яна шундан иборатки, у ҳар қандай тараққиёт учун гаров бўлмиш тинчлик, осойишталик, тотув ҳаётнинг асосларини белгилаб берган.

Ислон Каримов

КОНСТИТУЦИЯ МАҲАЛЛА ҲАЁТИДА

1990 йилдаёқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиясида Юртбошимиз Ислон Каримов раислигидаги Конституцияни яратиб комиссияси тузилишининг ўзи Мустақилликка интилиш, истиқлолнинг эрта бўртган куртаклари эди.

Нихоят, 1992 йил 8 декабр кўни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди ва шу кун умумхалқ Байрами этиб белгиланди.



Маълумотларга жассамлаштирган Республикаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Илғиз Собировлар бугунги давр йўналишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти янада фаоллашганлиги ва шу ҳолат билан боғлиқ ҳолда юзага келган муаммолар ҳақида тўхталдилар.

Суратда: Тошкент вилояти оқсоқоллар кенгаши раиси Тулқин Миркомиллов (чапдан иккинчи) Чиноз тумани маҳалла фаоллари даврасида.

2-бетда

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ТАНТАНАЛАРИ ЯҚИН

Яхши тадбир борки, у ким томонидан ўтказилмасин халқ ҳурматино қозониб, аёнана айлаиб бораверди. «Президент арчаси» тантаналари ҳам ана шундай халқ оқлишини олган аёнана тадбирга айланди. Бу йил ўтказилган «Президент арчаси» тантаналарини ҳам республикамиздаги барча Мехрибонлик уйлари тарбияла-нувчилари, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари ортиқ кутмоқдалар. Чунки «Президент арчаси» меҳра ташна болаларнинг мурак қалбларига саховат, меҳр-муруват туйғуларини олиб кирувчи даричага айлаиб, ҳар бир ўғил-қизнинг шу она Ватанга, эл-юртга кераклигини тасдиқлаб туради.

саҳифада

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 6 декабр кўни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залда очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига! Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 5 декабр кўни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 6 декабр кўни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

ШУ СОННИНГ

2-саҳифасида:

- **Асосий Қомусимиз - Конституция қабул қилинганига 9 йил тўлди!**
- **Дунё даричасидан бир қаранг-чи, қандай воқеалар содир бўлди, экан?**

«Mahalla»га жавоб: «Ким олади-ё, ҳисоботни-ё» 10 октябр

Юнусобод тумани Ҳокимилиги ижроия маҳкамаси ушбу мақола юзасидан туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ходимларидан тузилган комиссия хулосасига кўра қуйидагиларни маълум қилади:

Мақола унинг муаллифлари, иштирокида «Оқибат» маҳалласи кенгайтирилган раёсати йиғинида муҳокама этилди.

Муҳокама жараёнида маҳаллада бўлиб ўтган ҳисобот сайлов йиғини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг Қарори, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Низом асосида бўлиб ўтганлиги қайд этилди.

Мақола муаллифлари: «Оқибат» маҳалласи тафтиш комиссияси раиси Ф.Иноғомов, аъзоси Т.Собировлар томонидан тайёрланган ҳисобот бўйича махсус комиссия хулосаси тингланди, камомат деб топилган 8500 сўм маблағнинг маҳалла оқсоқоли томонидан қарга сарфланганлиги аниқлик киритилди, кирим-чқим харажатлари масаласида йўл қўйилган баъзи бир жузъий камчиликларни барта-раф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

В.ЛАТИПОВ,
Юнусобод тумани Ҳокими муовини.

Осиё Тараққиёт Банки ва маҳалла

3-КОМПОНЕНТ

Осиё Тараққиёт Банкнинг Ўзбекистонда халқ таълими соҳасини ривожлантиришга қаратилган Лойиҳаси 3-компоненти «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда амалга оширилиши кўзда тутилган.


Ҳа, Осиё Тараққиёт Банки катта бир Лойиҳасининг ўша учинчи компоненти - «Мақтаблар фаолияти ва таълим жараёнини яхшилашда жамоатчилик ролини кучайтириш» деб аталадиган қисми ижроси учун Лойиҳа соҳиблари «Маҳалла» жамғармасини энг яқин ҳамкор деб танлаганлари бежиз эмас.

Муштарийларимизнинг ёдида бўлса, Банкнинг мазкур Лойиҳаси бўйича махсус миссияси бундан аввалроқ мамлакатимизда бўлиб, хусусан, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғар-

маси Республика Бошқарувида учрашув ўтказилган. Яқинда мазкур миссия аъзолари яна Ўзбекистонда бўлдилар. Лойиҳанинг мазкур қисми бўйича Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси билан мулоқот бўлиб ўтди. Гарчи бундан олдинги учрашувда ҳар икки томон Лойиҳанинг моҳияти, унинг амалга ошириш имкониятлари хусусида умумий маълумотлар алмашишган бўлсалар, бу галги Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва жамғарма Бошқаруви раиси Шухрат Жалилов, Лойиҳа бўйича иқтисодчи Марк Кохен бошчилигидаги миссиянинг аъзолари мулоқотида бу ишдаги ва-зифалар тақсимотиға аниқлик киритилди. Хусусан, бу Лойиҳанинг 3-компоненти тадбиқ қилинадиган мактабларни аниқлаш, унга ажратилган мақсадли кўмакнинг амалда қўллани-шини ташкил этишда жамғарма ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўлимлари, туман бўли-малари, ҳамда маҳалла-нинг ўзи, фаоллари самарали фаолият кўрсатиши лозим бўлади.

Ўз мухбиримиз.

Мустақил юрти- мизнинг асосий қомусида келажакимиз бўлган болалар ҳаёти равнақи- га алоҳида эътибор қаратилган.



3 декабрда - Халқаро Ногиронлар кўни тадбирлари бўлиб ўтди

ҚАЛБЛАР АРОЙИШ ТОПДИ

Инсон табиатан ҳар ишга қодир. Фақат унга рағбат бўлса бас. Ҳатто жисман ожиз кишида ҳам руҳан тетиклик зоҳир бўлса, дунёни ҳайратларга тўлдириб юборади. Сиз билан биз бундай одамлар ҳақида кўп бора ўқиганмиз. Баъзилари билан эса елкадош бўлиб яшаймиз ҳам.

Эсингизда бўлса, газетамизнинг ўтган 46-сониде «Қалбдаги кўш» номли мақола чоп этилган эди. Унда Лутфуллажон исмли ногирон, лекин шунга қарамай юксак орузлар билан расм чи-зётган ва шу аснода бир қатор ютуқларга эришиб улгурган юрт-дошимиз ҳақида хикоя қилгандик.

3 декабрда Халқаро Ногиронлар кўни муносабати билан ҳар бир вилоятда ўтказилган тадбирлар ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бу кун муносабати билан ногиронлар Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан совғалар билан сийланган.

Биз шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаган бўлар-дик: «Маҳалла» жамғармаси ташкил этилгандан буюн, энг аввало маҳалладошларни ва ана шу маҳаллада истиқомат қи-лувчи кам таъминланган ёхуд ногирон аъзоси бор оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, юқорида таъкидланган кун муносабати билан ҳам жамғарманинг рес-публика бошқаруви томонидан Тошкент вилоятининг Охан-гарон, Қўнрай, Оққўрган ва Бўстонлиқ туманларидаги Мех-рибонлик уйлари ногирон болаларига 1.852.163 сўмлик кий-им-кечак ва бошқа турдаги совғалар тарқатилди. Бундан таш-қари Темирйўлчилар саройида бўлиб ўтган тадбирда ҳам 4 нафар ногиронга 54362 миң сўмлик махсус совға топширди. Шунингдек, маҳаллаларда истиқомат қилувчи бир қанча но-гиронларга ҳам ана шундай совғалар тарқатилди.

С. АБДУРАХМОНОВ.

Меҳр-муруват

Муборак Рамазон ойида одамлар қўларидан келганча бир-бирларига ердан бериб, яхшилик қилиш, саховат улашши, бе-морлар холидан хабар олиш каби кўплаб савобли амалларни бажардилар. Теринз шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳ-тож оилаларнинг 21 нафар фарзандига суннат тўғи қилиб берди. Тадбирда «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилот бўлими бола-ларнинг ҳар бирига «Уйжойжамғармабанк» бўлимида очтирил-ган шахсий омонат дафтарчаларини топширди. Ҳомий ташки-лотлар болаларга бош-оёқ сарпо ҳадя қилди.

Ч.ТҲҲАЕВ,
ЎЗА мухбири.

МАНАЛЛА

Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот кўмитасида
00123-рақам билан рўйхатга
олинган.

Тахририят манзили:
Тошкент,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Нашр кўрсаткичи: 148

Телефонлар:
Хатлар бўлими: 136-53-75,
масъул котиб: 136-53-75
ижодий бўлимлар — 136-53-
82.

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи»
ҳиссадорлик жамияти

Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун
муаллифлар масъулдилар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

3-саҳифасида:

- **«Президент арчаси» - ҳамма арчалардан баланд бўлади.**
- **Оқсоқол қалбаки ҳужжатни қабул қилишга мажбур(ми)?**
- **Келиб қолинг, рекламанинг ...»додаси»га?!**

4-саҳифасида:

- **Алишер Навоийни чексиз қайгуга солган воқеа...**
- **«...Рухга турмушга чиқишни хоҳламайман...»**
- **Маҳаллада ҳамма фуқаро тенг ҳисобланади!**

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

**АҚШДА
ХАМОН
ХУШЕРЛИК
ЗАРУР**
АҚШ ҳукумати мамлакат аҳолисини янада хушёр бўлишга ва бирор шубҳага борганда дарҳол тегишли органларга хабар беришга чақирди.

Мамлакатда янги террорчилик ҳаракатлари содир бўлиш хавфи ҳамон сақланиб турибди ва бу хавфсизлик чораларини кучайтириш заруратини тугдирмоқда, деди миллий хавфсизлик бошқармаси раҳбари Том Риж.

**ДАЪВАТ
СЕУЛ. Жанубий Корея КХДРни кимёвий қурооларни тақиқлаш тўғрисидаги конвенцияга қўшилишга ундамоқчи.**

Биз нафақат Шимолий Кореяни, балки бошқа давлатларни ҳам ушбу ҳужжатни имзолашга чақирамиз, бу дунёда тинчликни мустақамлашга катта ёрдам беради, деди расмий Сеул вакили.

**ИСРОИЛ ВА
ФАЛАСТИН
МУАММОСИ
НЬЮ-ЙОРК.
БМТ Бош ассамблеяси сессияси иштирокчилари Яқин Шарқда вазият кескинлашаётганидан ташвиш билдирди.**

Халқаро ташкилот Исроил ва Фаластин раҳбарларини барча муаммоларни ҳамжиҳатликда бартараф қилишга ва тинчлик музокараларини тиклашга чақиради, деди БМТ вакили.

**АРАФОТ
ШОШИЛИНЧ
САММИТ
СЎРАЙДИ**

ҒАЗО. Фаластин раҳбари Ёсир Арафот Исроил конференцияси ташкилотига (ИКТ) аъзо давлатларни Яқин Шарқ муаммоси бўйича шошилиш саммити ўтказишга чақирди.

Унда Исроилнинг Фаластинга таъвозу билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниши керак, деди у. Хабарларга кўра, Ё.Арафот шу мавзуда ИКТнинг амалдаги раиси, Қатар амири Ҳамад ат-Тоний билан телефон орқали суҳбатлашган. Қатар амири Исроил хатти-ҳаракатларини босқинчилик сифатида қоралаб, Фаластин раҳбари таклифини қўллаб-қувватлаган.

КОНСТИТУЦИЯ- МАҲАЛЛА ХАЁТИДА

(Давоми.Аввали 1-бетда.)

Мазкур Бош Қомусимизни баҳолашда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби обрўли давлат ва халқаро ташкилотларнинг кўзга кўринган сиеъатдонлари фаол иштирок эттишти. Жумладан, Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги Факуллода ва мухтор элчиси Рона Хидрат Голетина: «Утган қисқа давр ичида мустақил Ўзбекистон нафақат давлат тараққиёти йўлида, балки жаҳон ҳамжамиятидан мустақам ўрин олиш борасида ҳам ўзига хос ютуқларга эришти.Бунда Республика Конституциясининг ҳам ўрни беқиёс эканлигининг бевосита шохиди бўлиб турибмиз», - деди.

Албатта, Конституция қабул қилиш билан барча масалалар ҳал бўлди, иш битди, деб бўлмайди. Ҳамма гап уни амалга оши-

риш, ҳаётга талбиқ қилишдир. Бунинг учун, Президентимиз таъкидлаганидек, Конституциямиз бошлар боғчасидан бошлаб ўргатилиши, мактабларда дарслик тарихисида ўқитилиши, олий ўқув юрталарида махсус дарс сифатида ўргатилиши зудлик билан олиб бориш, унга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Бундан ташқари, Юртбошимиз томонидан фуқаролар ўртасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг ўрни ва аҳамияти бўйича тарғиб-бот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Буни яхши англаган Республика «Маҳалла» жамғармаси Бошқаруви «Маҳаллаларда ва кенг омма орасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этишга қаратилган Дастур» ишлаб чиқди ва уни ҳаётга талбиқ этиб келмоқда. Олти бўлимдан иборат мазкур Дастурда Конституцияни маҳалла фуқароларининг умумий йигинларида, оталар чойхонаси-

«Mahalla» шарҳномаси




105-МОДДА

Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидagi маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.




Шавкат ЁҚУБОВ.

Бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз - буюк Хаёт қомусимиз турибди.

Ислом ҚАРИМОВ.

Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир. (41-модда).



ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

Жаҳон халқларининг тарихий тажрибалари шундан далолат берадики, давлатнинг ҳуқуқий асосларини яратиш хар қандай янги жамиятни барпо этишнинг энг муҳим ва зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Бу тўғрисида Президентимиз Ислом Қаримов: «Зарурий ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислохотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислохотлар ортага чекиммаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди», - деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг Конституцияси айна ана шу заруриятдан келиб чиққан ҳолда қабул қилинди. Ушбу зарурийнинг бошқа объектив омиллари ҳам бор эди. Биринчидан, Ўзбекистонда мустақиллигининг эълон қилинганиги; Иккинчидан эса, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти томон йўл тутиши, яъни жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши.

Ушбу тамойиллар мамлакатнинг асосий қонунлар мажмуаси бўлган Конституциясида ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлашнинг ва асосиб берилиши лозим эди. Тўғри, бунга қадар ҳам узоқ ўтмишимизда ажлоларимиз Конституция шаклидаги дастлабки кўрсатмаларни яратиш тажрибасига эга бўлганлар. Хусусан, конституциявий қонунлар мажмуаси вазифасини бажарган, буюк бобомиз Амир Темури томонидан яратилган «Темури тузуқлари» бунга ёрқин мисол бўли олади.

Асосий Қомусимиз давлатнинг сифатида дунёга келди ва бурун у истиқлолимиз, озодаликимиз, эркинлигимиз калқони сифатида яшамоқда. Конституция келажатги буюк Ўзбекистоннинг қад ростилиши учун, адолатли ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш учун мустақам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу Конституция ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда фуқаролар тинчлиги, миллий тотувлик, шакс эркинлиги, сайлаш ва сайланиш эркинлигига ҳамда барқарор сиеъий вазиятнинг қарор топиши, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда асосий концепция вазифасини ҳам ўтаб келмоқда.

Шунингдек, ушбу Конституция инсон ҳуқуқлари, мустақил тараққиётнинг мазмун ва моҳиятини ифодалайдиган демократик ҳуқуқий ва адолатли давлатни қуриш йўлида асосий истиқболларини ҳам белгилаб берди.

Ушбу Асосий Қонунда инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун

Вояга етган, моҳиятга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. (66-модда)



эканлиги ҳамда унинг эрки, шаъни, қадриятини ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларни муқаддас бўлиб давлат ҳимоясида эканлиги мустақамлаб қўйилган. Шунингдек, Конституциямизда, тарихимизда биринчи марта фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий ечими ҳам ўз ифодасини топди. Жумладан унинг 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулилар», - деб қайб этилди. Бундан англашганидек, энди халқ давлат учун эмас, аксинча давлат халқ учун хизмат қилади.

Айтиш мумкинки, ушбу Конституцияда халқ азалдан орзу қилган, ўз тақдирини ўзи белгилани қондаси муқаммал тарзда ўрин олган. Шу бонс янги Конституция халқ ҳокимияти принципига асосланади ва уни мустақамлайди. Шу бонсдан ҳам Конституциянинг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир-деган.

Шунингдек, асосий Қонунга халқ ҳокимиятининг реал омиллари ҳам кўрсатиб берилди. Унинг 9-моддасида «Халқ сайлов йўли билан вакилик ҳокимияти органларини тўзади, мамлакат Президентини сайлайди, умумхалқ муҳокамаси ва референдум орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришда, қарорлар (қонунлар) қабул қилинишида иштирок этади», - деб таъкидланди ва шу тарзда халқнинг суверен ҳоҳиш-иродаси, унинг ўз давлат ҳокимиятини рибёта чиқариш усуллари конституциявий йўл билан мустақамланди.

Хусусан, Асосий Қонунга ушбу моддаларнинг киритилиши Ўзбекистонда мустақиллигининг илк кунлариданки давлат бошқарувида фуқароларнинг иштирокини таъминлаш орқали фуқаролик жамияти барпо этиш асосий мақсад бўлаётганини ҳам кўрсатади.

Холмурод ХИДИРОВ



... Жонажон Ўзбекистоннинг нури истиқбол учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигини ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан..

«Ҳарбий қасамёд»дан.

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси хар бир фуқаросининг бурчидир (52-моддалан)

Асосий қонунимиз Ўзбекистон фуқаросининг миллати, ирқи, динидан қатъий назар тенг ҳуқуқли деб билади ва уларнинг урф-одатлари, миллий анъаналарини ҳурмат қилинишини кафолатлайди.



Ҳожи Абдураззоқ ЮСУФ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.

ҚАДРИЯТЛАР КАФОЛАТИ

қодис, имонсиз яшай олмайдми. Чунки, қомил ва собит этиқоёл жа- мият маънавий қиёфасини белгилайди. Шу бонсдан ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданки динга, хусусан, ота-болаларимиз дини бўлиб исроил динига келиб берибди. «Виждон эркинлиги ва Диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Рамозон ва Қурбон ҳайитларини байрам сифатида нишонлашмиз...» Унинг энг муҳим бандларидан бири, Ал-

лоҳ таоло томонидан берилган улуғ неъмат - инсоннинг ҳаёти ва ҳуқуқлари ҳақидадир. Унда фуқароларнинг манфаатлари қонуний равишда мустақамланган ва қатъий кафолатлангандир. Шундай экан, бу муқаддас заминда яшаётган хар бир инсон азия она Ватанимиз олдидagi фуқаролик бурчларини яхши англаб олмақлари лозим. Ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш билан бирга зиммамизда бурч ва мажбуриятлар борлигини ҳам унутмаслигимиз

керак. Шундай экан мафкура зиёсининг тарғиб-ботчилари, яъни зиёдилар ва тарбиячилар билан бир қаторда диний уламоларнинг ҳам хизматлари беқиёсдир. Улар миллий истиқлол гоёсини халқимиз онгига синдиришда азаллий анъаналарга сунъан ҳолда барчани инсоф, диёнат ва сабр-қаноатга чақириб, халқ бахт-саодати, эл-юрт фаровонлиги йўлида олиб борилаётган эзгу ишга ўзларининг самарали улушларини қўшмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Унинг 105-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Истиқлол маҳсули — юртимиз Конституцияси кунни муборак бўлсин, азиз МАҲАЛЛАДОШЛАР!

